Албатта техника бу гиламнинг сифатига, кўринишига таъсир қилмасдан қўймайди. А.Алламуратовнинг берган маълумотларига суянадиган бўлсак, қорақалпоқ ерларида туксиз гиламларни тўқишнинг уч хил техникасини келтириб ўтади. Бироқ қорақалпоқ гиламчилигида ҳам туксиз гиламларни тўқиш учун беш турдаги тўқиш техникаси мавжудлигини кўрсатишимиз мумкин. 1-тип: терма техникаси, 2-тип: ғажари техникаси, 3-тип: қоқма техникаси, 4-тип: бешкашта техникаси,5-тип: тақир гилам техникаси шаклида қўлланилади.

Терма техникасининг бошқалардан фарқи- орқа томонида нақшларнинг тушмаслиги, яъни юзаси бўйлаб нақшларнинг такрорланмаслиги орқали амалга оширилади. Олди ва орқа томонларидаги иплар ҳар хил рангда бўлади. энига ва орқа томонидаги нақшларнинг ранги ҳам бир-биридан фарқланади. (3.40.б) Бу турга кирувчи туксиз гиламларнинг вазифасига қараб, уч гуруҳга бўлинади. Тип.ІА2 Оила учун мўлжалланган буюмлар. Бу ерга тўшак сифатида фойдаланиладиган олачалар киради. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг II сақлаш фондида 7 донаси ҳозирги кунда сақланмоқда. Шулардан бири КАП №3609 ИНВ №ПЛ-18, ҳажми 1,39x1,68, жундан тайёрланган қўл меҳнати. 22.10.1978 йилда музейга олиб келинган. Бу олачада асосий нақшлар: қизил ранг билан думалоқ нақшлар, оқ

рангдаги учбурчак нақшлар, сариқ ранг билан чаён қўйруқ, (чаён дум) нақшидан фойдаланилган. Қўшимча нақш сифатида кул ранг билан чаён қўйруқ ва қуш тили нақшлари бир қаторда такрорланган. Бу эса олачанинг сони ва ўзига хослигини ошириб кўрсатган. Шунингдек, қорақалпоқ хунармандлари учун зооморф нақшлардан фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Яъни энг асосийлари шохсимон нақшлар ва ҳайвон атамалари билан боғлиқ ҳолда келади. Юқоридаги олачада зооморфсимон нақшлар билан бирга геометрик нақшлар ҳам қўшилиб қўлланилади. Яъни бу «Этнография Каракалпаков XIX начало XX века» китобида қўйидагича ёзилади: » Геометрик ва зооморф нақшларнинг учраши тотемизм дини қолдиқларининг сақланиб қолишида. Бунда асосий ролни нақшлар бажарганини кўришимиз мумкин. Тип.ІА2-бу қора уйни безаш учун қўлланиладиган буюмлар. Бу турдаги термаларга фақатгина ён боғичларни атаб кўрсатишга бўлади. Бу турга терма усулида ишланган ёнбоғичлар киради. Асосан бу қора уй безаш буюми аралаш усулида ишланади. Бу ҳақида А.Алламуратов «Мангу мерос» китобида ёзади. «Ёнбоғич- тақир оқ бўзга тукли нақшлар билан безалади»-деб ёзиб ўтган. (2.23.6) Музейдаги ёнбоғичларни тадқиқ қилиш вақтида термада ишланган ёнбоғичларнинг 11 донаси бор эканлиги аниқланди. Шулардан бири КП №5842, ИНВ №1090/1. Ҳажми 200x28,5, 16.05.1986 йилда олиб келинган. Бу ёнбоғич оқ фонга қизил, яшил ранглардан фойдаланган ҳолда халқ орасида бўри кўз ёки балиқ кўз деб аталадиган мотив асосида ишлатилган. Бўри кўз нақши ёмон тил ва кўздан асраш, ҳимоя қилиш маъносида келади. Бу Шўманой тумани ва унинг атрофида жойлашган худудларда ҳам бўри кўз деб аталади. (6.№1. 2024) Бўри бу мўғул ва турк халқлари учун тотем бўлиб ҳисобланади. Яқин вақтларга қадар бўри тиши чақалоқларнинг кийимларига ва бешикка илдириб қўйилган. Қадимги қорақалпоқ, қозоқ, ўзбекларда бўри одам тилини тушунади — деб ҳисобланган. Болаларга, айниқса аёлларга бўри сўзини айтиш таъқиқланган. Шу билан бирга бўри бахтсизликдан, касалликлардан ва бошқа ёвузликлардан ҳимояловчи сифатида тасвирлаган.(7.27.6) Бўри кўз мотивини шимолий туманларда, шу жумладан Чимбой ва Мўйноқ туманида балиқ кўзи деб атайди. (8.№2 2023). Балиқ бошқа халқлар учун ҳам жуда қадрланган. Ҳаттоки айрим халқларда гуноҳлардан тозаловчи тумор сифатида қаралган. Шуларнинг ичида туркманларда балиқ ёмон кўздан асровчи сифатида қаралади. Бу ҳақида С.Демидов ўзининг мақоласида ёзади: «Балиқ фақатгина ёмон кўздан эмас, балки ёвуз руҳларнинг таъсирига қарши тумор ҳисобланади. Илялида айтди шу кунга қадар кампирлар ухлаганда ёнига балиқ суягини қўяди. Агар овқатланиш вақтида балиқ суягини дастурхонга эмас, тўғридан тўғри кигиз устига қўйсангиз, унда кигиз устида ухласангиз ҳам хавфсиз ва тинч бўлади. (9.129.6). Шунингдек бу ёнбоғичда бир неча ерда хоч(салб) нақши ҳар хил шаклда қайталаниб келган. Ҳоч нақши мотиви жаҳон нақшлар оламидаги энг эскилардан бири ҳисобланади. Ҳоч қадимги даврларда антроморф худо образини, ёки хаёт дарахтини англатган бўлиши эҳтимол. (10.7.6). Шу билан бирга бу қорақалпоқларнинг ўн тўрт уруғдан бири, яъни кенегес уруғининг тамғаси бўлиши мумкин.

«Кенегеснинг тамғаси Х(ҳоч)»(11.49.6) Ҳоч нақши ирғоқ нақши билан такрорланиб келган. Бу «М» шаклидаги узилмайдиган туташ чизиқлар билан ишланган нақш ва хоч нақши билан қўшилиб қўлланилиши алоҳида бир компонентли маънони пайдо қилади. Яъни чексиз ҳаёт ёки худонинг чексизлигининг исботи бўлиши мумкин.

Тип.ІАЗ-бир вақтнинг ўзида хўжалик буюми ҳисобланган ва шу билан бирга қора уйни безаш буюми сифатида қаралган гиламлар. Бу турдаги гилам маҳсулотларига фақатгина шартли турда қизил қурлар, қизил басқур, оққур ва дизбелар киради. Бироқ айрим ҳолларда ишланиш техникаси тукли ёки аралаш гилам шаклида бўлиши керак бўлган ақбасқур, керги, белжип ва белдовлар ҳам терма техникасида ишланганини кўриш мумкин. Тип. ІАЗ/1 гуруҳига кирувчи биринчи гилам маҳсулоти қизил қурлар бўлиб, музей фондида ҳозирги кунда 25 дона терма қизил қурлар сақланиб келмоқда. Шулардан бири КП №473, ИНВ №70, хажми 145x427 см, 22.11.1956 йил музейга олиб келинган. Бу қизил қурнинг асосий нақши хуросон мугуз деб аталувчи мотивни кўришимиз мумкин. Бу нақш ҳақида бир нечта адабиётларда қуйидагича келтирилиб ўтилган. «Бу нақш атамаси Хуросондан келиб чиққанини билдирмайди. Бу хуросон сигирининг шохидан келиб чиққан»-деб А.Алламуратовнинг китобида 1958 йил нашрдан чиққан «Каракалпакско-русский словарь» луғати илова сифатида келтирилган. (12.34.б). Бироқ бу фикр ҳеч қандай исботга ёки таҳлилга эга эмас. Шу сабабдан ҳам бу нақшни зооморф эмас, тамға нақшларига киргизиш керак. Бунинг асосий сабаби Хуросон ерларини эгаллаган XI-XIV асрларда ҳаёт кечирган салжуқийлар сулоласи байроғида солинган ва икки бошли бургут белгисига жуда яқин келади. Яна савол пайдо бўлади. Салжуқийлар ва қорақалпоқларни нима бирлаштиради? Салжуқийлар дастлаб Каспий ва Оролнинг орқасида яшаган туркий ўғузларнинг қиниқ уруғига кирувчи туркий халқлардан бири. Хуросонга юзланиб, Салжуқийлар ва уларга шерик бўлган кўчманчи қабилалар билан бирга ушбу вилоятни Ғазнавийлардан тортиб олади. 429/1038 йил ўғузлардан чиққан Тўғрил ўзини Нишопур султони деб эълон қилади. (13.162-163.б) Салжуқийлар сулоласига асос солувчи Тўғруль ўғузлардан чиққан бўлиб, ўғузлар эса тўғридан тўғри қорақалпоқларнинг этногенезида асосий роль ўйнаган печенеглар билан алоқаси жуда яхши бўлган.С.Камолов «Қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланиши ва унинг давлатчилиги тарихидан» китобида қуйидагича фактларни ёзиб кетган. « VIII-XI асрларнинг орасида ўғузлар ва печенеглар орасида тифиз иқтисодий ва сиёсий алоқалар бўлган. Печенеглар ҳаттоки бошқа давлатларда бўлган ҳарбий амалиётларга ҳам қатнашади» (14.9.б) Демак юқоридаги манбаларга суянадиган бўлсак, Хуросон шох нақши Салжуқийлар байроғидаги белгига ўхшашининг ёки айнан ўша шаклда тасвирланиши қорақалпоқларнинг ўғузлар билан муносабатлари орқали қорақалпоқларга таъсирини теккизган бўлиши эҳтимоли юқори. Шунингдек бу ёнбоғичда ҳар бир асосий нақшдан сўнг жуфт мугуз шох билан бирга тоқ мугузлар такрорланган. Бу икки нақшнинг қўшилиши натижасида ромб нақши пайдо бўлган. Бу кўриниш бир қараганда эътибор берадиган даражада ишланмаган. Бироқ нақшларни жойлаштириш устанинг маҳоратига боғлиқ. Жияклари эсма нақш билан жиякланган. Эсма нақшнинг кўринишида эсма сингари бир томонга кўзғалиб, ҳаракатда тургандай шаклни кўришга бўлади. Кундалик ҳаётимизда ҳам «Шамол қаттиқ эсиб турибди» — деган гапларни эшитамиз. Шамол ҳамиша ўнгга ёки чапга қараб эсади. Ушбу нақшни халқнинг кундалик ҳаётида учрайдиган табиат ҳодисаси ҳақида дарак берувчи нақш сифатида олсак ҳам бўлади. Ушбу гуруҳга кирувчи бошқурлар музейда 6 дона сақланиб келмоқда. КП №4652, ИНВ №917, хажми 520x16,65, 29.09.1981 йилда музейга олиб келинган. Бу қизил бошқурни саккиз мугиз асосий нақши бўлса, эсма ва чаён қуйруқ нақши қўшимча нақш сифатида олиб қаралган. Саккиз мугуз нақшини кўп адабиётларда

семантикасига эътибор берилмаган. Бу мотив икки тур шаклда келади. Биринчиси саккиз мугуз солиниши натижасида тўрт бурчакнинг ўртасида пайдо бўлиши; Иккинчиси саккиз мугузнинг солинишида марказида ромб кўринишининг пайдо бўлиши. Бу саккиз мугуз 8 та сайёрани англатса, ромб ва тўртбурчак дунёнинг тўртта томонини англатиши мумкин. Тўртбурчак нақш ҳақида таниқли қорақалпоқ хунарманди Зерхан Абдимуратова ўзининг фикрларини шундай билдиради: «Ёшлигимизда катта ёшдаги опам, тўртбурчак нақши жануб, шимол, шарқ ва ғарбни билдиради — деб айтишгани эсимда"-дейди.(15.№3.2024)Бундан ташқари оқ қурлар ҳам қизил бошқурлар сингари терма техникасида ишланади. Ҳозирда музейда 39 дона оққурлар бор. Шулардан бири КП №4091, ИНВ №АБ886, хажми 17x360 см, 29.07.1978 йилдан бери музей фондида сақланмоқда. Бу оққурда бўри кўз, ирғоқ нақши, қуш тили, тоқ мугиз нақшлари алоҳида қўлланилган ва хоч нақши билан бирга ромб ва ирғоқ нақшлари бирга фойдаланилган. Бундан ташқари музей фондида сони 32 дона дизмалар ҳам ушбу гуруҳга киради. Масалан КП №3413/1, ИНВ №АБ329/2 хажми 71x8 см бўлиб, 11.05.1978 йилда музейга топширилган. Бу дизмада асосий нақш сифатида чаён қуйруқ нақши бўлса, қўшимча нақш сифатида дизманинг жиягига қўлланиладиган эсма нақши ҳисобланади. Чаён қуйруқ ўзининг номи айтиб турганидек, чаён ҳашаротининг қуйруғига қиёсланади. Чаённинг захари думида жойлашган бўлиб, агарда у хавф хатарни сезадиган бўлса, ўзини думи орқали ҳимоя қилади. Яъни бу шундан дарак берадики, агар бу нақш уй буюмларига солинса, шу уйни ёқимсиз бўлган ҳолатлардан асраб туришига ишонган ҳолда солинганлиги эҳтимоли юқори. Сабаби бу ерда мантиқий боғлиқлик бор. Бу ҳақида «Нақшлаш санъати» китобида ёзилган. Узун ва захарли думи бор чаён (нақшларда айни шу жиҳат тасвирланади) салбий ҳодисалардан, негативдан, кўз тегишидан асраш хусусиятига эга деб қаралган. (10.18.б).Тип. IA3/2-гуруҳига кирувчи гиламларнинг умумий сони 8 дона бўлиб, шулардан 3 донаси оқбошқурга тегишли. КП №5216, ИНВ №АБ 949 сонли оқбосқурнинг хажми 32x146.5 см ва 12.03.1984 йил олиб келинган. Асосий нақш сифатида сирға нақш, ғоз бўйин ҳам олинган. Қўшимча нақш сифатида туркман нақш, хоч, арра тиши ва умуртқа нақшларни олиб қараш мумкин. Қорақалпоқ нақшларининг аксарият қисмига шаклига қараб ном берилган. Масалан, ушбу мисол қилиб кўрсатаётган оқ босқурда арра тиши ва умуртқа нақшлари қўлланилган. Айни ушбу нақш кўринишлари рўзғор буюмлари: арра ва инсон организмидаги аҳамиятли қисми бўлган умуртқанинг кўриниши тасвирланган. Бироқ савол пайдо бўлиши мумкин. Нима учун бошқа тана аъзолари ёки иш қуроллари нақш сифатида фойдаланмаган? Сабаби арра иш қуроли асосан ўтинларни кесиш учун фойдаланилади. Шунинг учун ҳам арра тиши уйга келувчи ёвузликларни кесиб, йўлини боғлаш маъносида қўлланган бўлиши мумкин. Умуртқа эса инсон организмида деярли бош миядан бошлаб, белгача вазифаларга боғлиқ, муҳим бўлган тана аъзоси. Шу билан бирга инсон танасини тўғри, мутаносиб ушлаб туришда умуртқа асосий вазифани бажаради. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкин: умуртқа нақшлари шу оиланинг бахтини, қувончини, мартабасини ушлаб туришга тилакдош сифатида солинган бўлиши мумкин.Бу нақш ҳақида таниқли олимларимиз ҳам ўзларининг қимматли фикрларини билдириб ўтган «...У одам саломатлигини ҳимоя қилиш хусусиятига эга. Информаторнинг айтишича инсоннинг саломатлиги биринчи навбатда одам умуртқасига боғлиқ экан. Шу сабабдан ҳам »Белинг маҳкам, бақувват бўлсин» деб тилак

билдирилган. (10,18.б) КП №1775, ИНВ №АБ 92 рақамли керги хажми 510x540 мм. 31.05.1969 йилда музейга топширилган. Бу керги ҳар хил қисмлардан ташкил топган бўлиб, чумоли бел, ирғоқ нақши ва эсма нақшлар асосида ишланган. Яна ушбу гуруҳга кирувчи ҳам безаниш буюми, ҳам хўжалик буюми ҳисобланган белжип ва белдовларни ҳам айтсак бўлади. Музейда 4 дона термага тегишли белжип ва белдовлар бор. Шундан икки донаси белжип КП №3415, ИНВ №852, хажми 215x19,5 см. 05.05.1978 йилдан бери музей фондида сақланмоқда. Бу белжипни хоч нақши, бўғирсоқгул нақши ва бўри кўз нақши билан биргаликда ишланган. Ҳозирги кунда музейда 2 дона белдев мавжуд бўлиб, КП №5148, ИНВ №946, хажми 19x187 см, 30.11.1983 йилда музейга олиб келинган. Учгул нақши, хоч нақши, бўри кўз нақши, қиёқ нақш шилавуш нақшларидан фойдаланилган. Учгул нақшига тўхталадиган бўлсак, бу нақш учбурчак шаклига эга бўлиб, қиррали бўлганлиги учун кўзга тез ташланади- деб халқимиз орасида айтилади. Шу сабабдан ҳам бу шаклидаги буюмлар айниқса қизил рангда бўлиб, уйнинг кирган жойига оналар-бувиларимиз томонидан ишланиб, ичига, қалампир, туз солиб қистириб қўйилган. Бу нақшинкор қилиб ишланиб, тилдан, кўздан асровчи тумор сифатида гиламларга ёки кийимларга тақилган. Хоразмнинг Илёнли пунктида қарадашли туркманлар орасида зоғора балиқдан олинган учбурчак шаклидаги танглай суягидан ёмон кўздан асровчи тумор сифатида фойдаланилган. (9.1296). Демак бу ерда мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлиб, зоғора балиқнинг танглайи учбурчак шаклда бўлгани учун туркманлар ёмон кўздан асровчи сифатида қўллаган бўлиши мумкин.

Тип II. Фақатгина ғажари техникасида ишланган гилам маҳсулотлари киради. Ғажарнинг ташқи томонидан фарқ қилувчи белгиси -матонинг фақат энида расм солиниши, ички томонида бойитувчи (яъни, нақшга тегишли элементни яратишга оид бўлмаган ипларнинг, эркин жойлашиши) асосий иплардан иборат. (4.352.б) Бу техникада ишланган гиламларнинг фарқи бошқа гиламларга қараганда нақшлари аниқ, тиниқ, худди чизилган картинадек бўлишида. Бу техникада ишланган гиламларни вазифасига қараб уч гуруҳга ажратамиз. Тип 2Б1- тўшак сифатида қўлланадиган олачалар, палослар киради. Бирок Шўманойлик гиламчи Альтиной Навбетованинг айтишига қараганда: «Ғажари усулида ишланган олачалар ёки палосларни ерга тўшаш ноқулайлик туғдиради. Унинг асосий сабаби: тўқувчи учун бу турдаги гиламларни тўқиш анча қийин ҳисобланади.

Агар ички томонидаги эркин ётувчи иплар тўқиш жараёнида сўкилиб кетган ҳолда гиламнинг ташқи кўринишига таъсир қилмасдан қўймайди. Бундай омилнинг олдини олиш учун тўқувчидан кўп эътибор талаб этилади. Албатта, меҳнати оғир бўлган ҳар қандай ҳодисани оёқ ости қилиб қўйиш нотўғри. Шу сабабдан ҳам қўл меҳнатини ва кўп куч талаб қилган ишни баҳолайдиган инсонлар сифатида она-бувиларимиз оёқ остига тўшама қилиб фойдаланишга қарши бўлганлар. Демак бошқа турдаги гиламларни ерга тўшашга бўлади. Сабаби улар катта меҳнатни талаб қилмайди — деган фикрдан узоқман. Ҳар қандай қўл меҳнати жуда қимматли, шу сабабдан ҳам, иккинчи асосий сабаб келиб чиқади. Яъни гиламнинг ички ипларнинг бўлиши, миҳга илиниб, сўкилиб кетишига олиб келади. (6.№1.2024) Демак, бундан хулоса чиқарсак бўлади. Аксарият ҳолларда бу техникада ишланган гиламларни оилада фойдаланиш учун эмас, декоратив буюм сифатида қўлланилган. Бу типга кирувчи 4 дона маҳсулот

музей фондида сақланиб келмоқда. КП №464, ИНВ №638, хажми 186x372 см ва 23.11.1956 йилда музейга олиб келинган.

Бу аслида ғажари, қоқма, терма шаклида ишланган бўлиб, бу УЧ техника аралаш шаклда қўлланилган. Шу билан бирга қўй тили, учгул нақш, қўш мугуз(икки турли усулида ишлатилган). Тикоч нақш, чумоли бел нақши ва қарға тирноқ нақшларини кўришимиз мумкин. Қарға тирноқ нақшининг мазмун моҳиятига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, кўриниш жиҳатидан қарға оёқларини эслатади. Бироқ нима учун нақш қарға оёқларига асосланиб пайдо бўлган- деган савол пайдо бўлиши табиий. Негаки, кўп давлатларда қарға тотем ҳисобланади. Шу халқлар ичида қорақалпоқлар ҳам бор. Ҳаттоки юнон мифологиясида айтилишича, қарғалар маъбудлар билан алоқаси бор деб қайд қилинган. Масалан, Мелетенский Елеазар ўзининг «Мифы народов мира» энциклопедиясида қарға ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қадимги афсоналарда қарғалар маъбудларнинг шериги сифатида кўрсатилган. Кронос(Сатурн), Апполон, Ҳелиос, Афина сингари у ҳам омад тимсоли, зиё улашувчи, маъбудларнинг элчиси» (16.202.б) сифатида таъриф берилади. Бироқ қарға ҳар халқда ҳар хил тушунча билан тасвирланган. Ҳаттоки айрим халқларда ўлим белгиси сифатида кўрсатилган. Француз антропологи Клод Леви Струос айтади: — «Қарға ўлим ва ҳаёт орасидаги элчи сифатида қабул қилинган. (17.224.б)

Юқоридаги фикрга қарайдиган бўлсак, қарғалар ўлимдан дарак берувчи ҳайвон сифатида қаралган. Унда қорақалпоқлар учун қарғанинг қандай аҳамияти бор дейдиган бўлсангиз, бу ҳақида қорақалпоқ этнографиясида қуйидагича айтилади: «Орнамент номида, этнонимларда ва диний эътиқодларда қарғанинг мавжудлиги тотемизм қолдиқлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қорақалпоқларда қадимдан руҳ уруғларга бошчилик қилишига ишонилган. Айрим ҳайвонлар ва қушлар бошлиқ ҳисобланган. Масалан, яқин вақтларга қадар фарзандсиз аёллар қорақуш сақлаган.(5.37.б). Демак қорақалпоқлар орасида қарға тотем сифатида қабул қилинган. Ҳаттоки у айрим касалликларга даво деб кўрсатилган. Кўриб турганингиздек, ҳар қандай халқда қарға қушининг ўрни бор, бироқ, у ҳар хил мазмун-моҳиятга эга бўлиб келади. У яхши ёки ёмон бўлсин, бу қушнинг инсон ҳаётига қандайдир таъсири бор эканлиги аниқ. Шунингдек, Тип II. Б2-бу типдаги ғажарига фақатгина безак буюми сифатида қўлланиладиган гиламлар киради. Бу турдаги безак буюми ёнбоғич ёки жанбав бўлиб, асосан жанбав(ёнбоғич) аралаш техникада ишлангани билан айрим вақтларда туксиз шаклда ишланганини кўришимиз мумкин. Ҳозирги фақатгина 1 дона ғажари техникасидаги ёнбоғич бор. КП №7887, ИНВ №1032, хажми 11,5x375 см, 21.02.1997 йилда музейга олиб келинган бўлиб, фақат тоқ нақш қўлланилган бўлса ҳам асосий фонда бу нақшни қарама қарши шаклда қўлланган. Икки томонида эса тоқ нақш якка ҳолда солинган.

Тип II. Б3- бундай кўринишдаги типга ҳам рўзғор буюми сифатида ва безак буюми сифатида фойдаланиладиган гиламлар киради. Бу типга тизмалар ва туркман қурлари киради. Масалан, музейда 8 дона тизмалар мавжуд бўлиб, шулардан бири КП №9292, ИНВ №928 рақамли тизма, хажми 5x678 см, 06.12.2004 йил олиб келинган. Бу энсиз турда бўлса ҳам тўқувчининг маҳоратини кўрсатиб турибди. Сабаби бир неча нақшлар йиғиндисидан таркиб топган. Асосий нақш қарға тирноқ нақши ва эсма, қурбақа нақш, тикоч нақш, хуросон мугуз нақшлар қўшимча нақш сифатида тизмага янада кўрк бағишлаб турган. КП №419, ИНВ №66 рақамли туркман қур. Хажми: 4,2x 155 см. 03.10.

1956 йилдан бери музейда сақланаётган бу экспонат турли нақшлар билан бойитилган. Асосий нақш сифатида қарға тирноқ ва қўш тили олинган. Қўшимча нақш сифатида эса тикоч нақш, ит товон, чумоли бел, умуртқа нақши ва пишкакча нақши қўлланилган.

Тип. III-бу турдаги гиламларга қоқма(кохма) техникасида ишланган гиламлар киради. Уларнинг бошқа тақир гиламлардан фарқи-аксарият ҳолларда нақшсиз бўлиб, ички ва ташқи томонида бир хил бўлиб келиши билан фарқланади. В.Г.Мошкова қуйидагича кўрсатиб ўтади: « Қоқма типдаги гиламлар тўқишнинг энг оддий тури бўлиб, унинг нақш ишлаш жараёнида ип танлаб олиб, турли рангдаги чизиқлар кўриниши пайдо бўлади » (3.42.б). Бу турдаги туксиз гиламни юқоридагилар сингари вазифасига қараб 2 гуруҳга бўламиз. Тип. III. В1-фақатгина тўшак сифатида фойдаланиладиган олачаларни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда қоқма техникасида фақатгина 2 дона экспонатлар сақланиб келмоқда. Шулардан КП№1748, ИНВ №13, хажми 560x154,5 мм, 14.01.1969 йил олиб келинган. Бу қоқма ҳам нақшсиз бўлиб, энсиз узун қилиб ишланиб, асосий ранг яшил рангда катта йўл кўринишида ишланган. Тип. III. В2-бу типга фақатгина рўзғор буюми сифатида эмас, балки безак буюми сифатида қўлланиладиган гиламлар киради. Бунга тизмалар ва кергиларни мисол қилиб келтирсак бўлади. Тизмалардан ҳозирда 15 таси борлиги аниқланди. КП №4582/3, ИНВ №349, хажми 3x910 см, 21.07.1981 йилдан бери музейда сақланиб келинмоқда. Бу тизма учун икки турли ипдан, яъни очиқ яшил ва қизил иплардан тайёрланган. Шунингдек, горизонталь турда ирғоқ нақшига ўхшаб кетадиган нақш солинган. Тип.III В3-гуруҳига кергилар киради. Улар қуйидаги рақамларда жойлашган. Ҳозирда музейда қоқма техникасига тегишли 2 дона қоқмани учратдик. КП №5125, ИНВ 943 номерли кергининг хажми — 354x53 см , 30. 11. 1983 йили олиб келинган. Бу кергида ҳар хил иплар комбинациясини кўришга бўлади.

Тип IV-бу типга кирувчи туксиз гиламлар беш кашта деб аталади. Усулнинг бошқалардан фарқли белгиси-ички томонида нақш пайдо этувчи ипларнинг учлари бириктирилмасдан қолиб кетишида. (18.31.б) Бу типга кирувчи гиламнинг яна бир алоҳида томони нақшларнинг аниқ, тиниқ бўлиб кўринишида. Бу типдаги гиламдан фақатгина музейда 3 дона палос сақланмоқда. Шулардан бирини мисол қилиб келтирсак КП №3071, ИНВ №17, хажми 60-122 см, 20.02.1976 йил олиб келинган. Бу ҳар хил рангларнинг аралашган холида ишланган. Асосий нақш Хуросон мугуз ва бошқа нақшлар қиёқ нақш, солақ нақш, шунингдек, тўртгул нақшларнинг бирлашишидан пайдо бўлган. Тип V- бундай турдаги туксиз гиламлар техникасининг ўзига хос томони иккитомонлама бўлади. Яъни ташқи томонидаги нақшларнинг ички томонда шу холида кўриниб туриши билан фарқланади. « Тақир гилам асосан катта тўқиш ускунасида, бир вақтнинг ўзида икки, ёки учта уста аёллар томонидан тўқилади. (19.129.б) Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда музейда сақланиб келаётган 2 дона тақир гиламнинг хажми катта ва салмоқли бўлиб келганини кўришимиз мумкин. Улар КП №1084, ИНВ №10 рақамли тақир палоснинг хажми 143x184 см, 15.12.1957 йилда музей экспонатига айланган. Бу палосда асосий нақш сифатида хоч нақши олинган ва унинг ичида жуфт мугуз нақш солинган. Агар палос нақшларига эътиборсиз қараган одам хоч нақшини кўрмай қолиши ҳам мумкин. Негаки, у қўшимча нақшлар билан бириктирилган. Бундан ташқари бўғирсоқ гул нақш шакллари ўзгарган ҳолда такрорланиб қўлланилган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат

музейи экспонатлари асосида қорақалпоқ туксиз гиламларини таҳлил қилиш натижасида шуни кўришимиз мумкинки: гиламлар фақат тукли ва туксиз бўлиб қолмасдан, уларнинг ҳар бирини ҳар хил типларга ажратиб кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби бу халқнинг кўл хунари қанчалик бой эканлиги ва маданиятининг юқори эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Курбанова З.И Этнографическая наука Каракалпакстана: этапы, становление, современное состояние. Н.2020.
2. Алламуратов А. Манги мийрас. Н.1993.
3. Мошково В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX начало XX.
4. Царева Е.Г. Ковроделие арабов южных районов Узбекистана. Конец XIX и начало XXI (по коллекциям МАЭ и РЭМ)// Образы и знаки в традициях Южной и Юго-западной Азии. СПб.: МАЭ РАН 2015.
5. Этнография каракалпаков XIX начало XX века. Т.1980 г.
6. Наурызбаева.Н. Полевые записи. 2024. №1.Информатор; Алтынай Наубетова. Шуманайский район .
7. Есбергенов.Х, Хошниязов.Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре.Т.1988
8. Наурызбаева.Н. Полевые записи. 2023. №2.Информатор; Ганиева.У. Чимбайский район. Род; Биксийк.
9. Демидов.С. О пережитках верований связанных с водной стихией и рыболовством у туркмен. Трудф Институт а истории, археологии и этнографии. Т ВИИ. Ашхабад 1963
10. Уразимова.Т.В, Курбанова.З, Уразбаева.С.К. Қарақалпақ нағыслаў өнери. Н.2019
11. Жданко.Т.А «Очерки исторический этнографии каракалпаков».М.1958
12. Алламуратов.А. Каракалпакская народная вышивка.Н.1977
13. К.Э.Босворт. Мусульманские династии. М.1971
14. Камалов.С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи ҳәм оның мәмлекетлигиниң тарийхынан.Н.2001
15. Наурызбаева.Н. Полевые записи. 2024. №3.Информатор; Әбдимуратова.З. Нукус. Род; Қолдаўлы
16. Мелетинский.Е. Мифы нардов мира. М.1980
17. Клод Леви Стросс.Структурная антропология.М.1983
18. Узбекистон гиламдузлиги: асрларга тенгдош анъана.ХIV. Т.2020
19. Гюль.Э. Ковры Узбекистана история, эстетика, семантика.Т.2019

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 6 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).